MINISTRY OF CULTURE OF UZBEKISTAN
FERGANA REGIONAL BRANCH OF UZBEKISTAN
STATE INSTITUTE OF ART AND CULTURE
ORIENTAL ART AND CULTURE
ISSN 2181-063X
SCIENTIFIC METHODICAL JOURNAL
SPECIAL ISSUE II/2020
KOKAND

Ўзбек оилаларда эгизак фарзандларни тарбиялашдаги ўзига хос психологик муаммолар

Ш.Тойирова, *Бухоро давлат университети*

Аннотация **– Мақолада ўзбек оилаларда тарбияланаётган эгизакларнинг ўзига хос психологик муаммолари ҳамда ота-оналари томонидан берилаётган эътиборнинг фарзандлари тарбиясига таъсири юзасидаги фикрлар мужассамлашган.**

Калит сўзлар **– серилдизлик, сербутоқлик, урф-одат анъана, монозигота, дизигота, характер.**

Specific psychological problems of raising twins in uzbek families

Sh.Toyirova, *Bukhara state university*

Abstract **– The article discusses the psychological problems of the twins who are brought up in Uzbek families, and the impact of attention paid by their parents on the upbringing of their children.**

Keywords **– multi-root, fertile, tradition, monozygote, dizygote, character.**

Шарқда оила қадим-қадимдан муқаддас кўргон ҳисобланиб келинган. Хусусан ўзбек оилаларнинг серилдизлик, сербутоқлик хусусиятлари аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам бошқа миллат кишиларида худди шундай ҳам ҳайрат, ҳам ҳурмат уйғотган хусусиятлардир. Уларда вояга етаётган фарзандлар тарбияси бобо-бувилар ҳамкорлигида амалга оширилиши ўзбек халқининг урф-одат анъаналарига айланган. Оиланинг ўзига хос хусусияти катталар томонидан одоб-аҳлоқ қоидалари асосида тарбияни йўналтириб бориш ёш оила ва уларнинг вояга етаётган фарзандлари учун тарбия мактабини яратади. Бироқ оила ота-она ва эгизак фарзандларидан ташкил топса ва уларнинг бобо бувилари бўлмаса унда уларнинг тарбияси борасидаги қийинчиликлар психологик муаммо сифатида юзага келади.

И.В.Бестужев-Лада "История твоих родителей" китобида оила муҳитида олиб бориладиган тарбиявий чоралар фарзанднинг келгусида ўз оиласини қуришига қанчалик таъсир кўрсатгани ва бунда "10 йиллик оила мактаби"нинг бола шахсида шакллантирадиган оталик ва оналик вазифаларига иммунитет хусусиятларини баён этиб беради. Оилада ташкил этилган роллар тақсимоти туфайли шахс ўз ота-онасини ҳамиша ибрат ва намуна ифодаси сифатида кўра олиши масалалари келтирилиб берилади.

В.В.Бойко оталик ва оналик вазифаларини бола олдида тўғри бажариш учун зарур бўлган ижтимоий-психологик жиҳатларини таҳлил этар экан, оталик ва оналик бола шахсининг тарбиясига таъсир этадиган унсурларини келтиради. Унинг бу борада махсус тузган "Болага нисбатан амалий муносабат", "Болага нисбатан ҳиссий муносабат" тестлари ва бир қатор психологик тавсиялари модификациялаштирилган ҳолда бошқа миллат психолог олимлари томонидан кенг қўлланилиб келинмоқдаки, бу ўз навбатида шу олим олиб борган ишнинг нақадар муҳимлигини ифодалаб беради.

Оилада ота онанинг бола тарбиясидаги вазифаларни ўз олдига режалаштириб қўйсада бироқ уларнинг ҳар бирига қандай муносабатда бўлиши лозимлиги, бирини кўнглини кўтараман деб иккинчисига эътибор бермаётганлиги хусусидаги фикрларни эшитишнинг ўзида муаммо юзага келишидан далолатдир. Жамиятимизнинг аксарият эгизаги бор оилаларда мана шунга ўхшаш бир қанча мисолларни учратиб қоламиз. Психологлардан бири Гальтон

CC BY

"Эгизакларнинг ўхшашлиги ва фарқлари бошқа нарсаларга нисбатан ўзига кучлироқ қизиқиш уйғотади." Айниқса уларни тарбиялаш масаласида ота оналар зиммасида катта маъсулият юклатилади. Ота оналар ҳар бир эгизак билан алоҳида шуғулланишади ҳаттоки бошқа қариндошларни ҳамёрдамга чақиришади. Бундай вазиятларда эҳтиёткор бўлиш керак. Эгизакларимиз туғилганда биз ўйладик қандай яхши икки томондан бувиси ва бuваси кўмаклашади. Вақт ўтиши билан биз шуни сездик бир томон Фотимани улуғласа , иккинчи томон эса Зуҳрани ва улар ўртасида ривожланиш билан боғлиқ бўлган ҳар томонлама мусобақа бошланди.

Эгизаклар оилада ёлғиз туғилган болаларга қараганда ақлий фаолияти паст даражада бўлади дейишади, бу ҳақиқат деса ҳам бўлади. Лекин ўқишдаги қийинчиликлар билан кўпроқ эгизаклар дуч келишади. Англия мактабларида ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, эгизаклар берилган тестларни ёлғиз бўлган тенгқурларига нисбатан ёмон ечади. Бу эгизагини йўқотган болаларга тегишли эмас. Шундан тахмин айтилгангки эгизакларнинг айрим ҳолатлари ижтимоий муносабат ва нутқга алоқадор, уларнинг вербал ақлий фаолиятининг ортга қолиши билан боғлиқ. Аммо булар жуда кам таъсири бўлади: яъна шуки кўпчилик эгизаклар тестларни ечаётганда ўзи билмаган таъсирга тушиб қолади.

Австралия ва Б.Британия мактабларида эгизакларнинг ўзлаштириш даражаси ҳақида сўровлар ўтказилган. 1975 йилда Австралияда ўтказилган кенг сўровлар натижасида 10 ёшли ўғил бола эгизаклар ёлғиз туғилган тенгқурларидан ўқиш ва ёзишдан жиддий ортга қолар эканлар, камроқ ортга қолиш эса қиз бола эгизакларда кузатилар экан. 14 ёшда эса қиз болалар (ўғил болалардан ташқари) ўз тенгқурларини ёлғиз туғилганларга етиб олишаркан. 70% дан кўпроқ қизлар ўша ёшда Австралия жамиятида яшаб қолиш учун етарли ўқиш ва ёзиш қобилиятига эга бўларкан. Масалан газетани ўқишади ва тушинишади. Ўғил боларда эса бу кўрсаткич 40% ни ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики қизларнинг ақлий салоҳияти ўғил болаларнинг ақли салоҳиятидан юқоридалигини кўрсатяпти. Кўпчилик болаларда тушуниш қобилияти ва ўзи ўқиган маълумотларини ўзлаштириш ўртача даражани ташкил этар экан. Эгизакларнинг ярмидан кўп қисми ўқишда орқага қолади ва уларни шундай дейиш мумкин. Масалан "ўқишни билмайди" деган хулосага келишди. Англияда болаларнинг бошланғич даражасини аниқлаш учун ёрдам берувчи методика ишлаб чиқилган. Бунга асосан ўқишни бошлаган ва кейинги давр ўқишдаги ўзгаришларни ўрганишга қаратилган. Бу ерда фақат охирги натижалар инобатга олинмайди балки боланинг бошланғич даражадан ўсишидан қандай ўзгаришларни текширилиб борилади. Агар бола бошида ўзининг тенгқурларидан орқага қолса, ўрта босқичда бу яна ривожланади. 2000 йилда мактабга қабул қилинган болалар ичидан 2,6% эгизак бўлган. Шу йили болалар ўртасида сўров ўтказилганда эгизак ва ёлғиз туғилган болалар ўртасида фарқ кам чиққан. Эгизаклар ўқиш ва ҳисоб китобда камроқ орқада қолади. Англияда ўтказилган тажрибалар, Австралиядаги ўтказилган тестларга қараганда ўзига болаларни кўпроқ тортган чунки ўтказилган тадқиқотининг аксариятида психолог эгизаклар билан яккама якка шуғилланишга муяссар бўлган. Бундай жараёнда ёлғиз туғилган болалар билан эгизаклар ўртасида фарқ деярли кўринмай қолади. Австралиядаги тажрибадаги шуни кўрсатадики ўғил бола эгизакларнинг асосий муаммоси эътиборсизлик ва жиззакилик Масалан: 14 ёшли эгизак ўғил болалар соатга қараб соатни кўпроқ хато айтган ва иккилик сонларни кўпайтиришда хатога йўл қўйган. Бу унинг ёмон қобилиятидан дарак бермайди, у ўзининг диққатини тўплай олмаслигидан тўғри жавобни топишга ҳаракат қилмаслиги, бу эса албатт ўқишга таъсир қилади. Қачон бола "почка" деган сўзни "бочка" деб ўқиса бу унинг тўғри ўқишига боғлиқ унинг мазмуни эса иккинчи даражали ҳисобланади. Бундай муаммолар кўпроқ эгизакларда учрайди. Масалан: бола бирон бир сўзни кўриб уни ўша узунликдаги бошқа ўша ҳарфдан бошланадиган сўз деб ўйлайди. Албатта бундай ҳолат ҳам ёлғиз туғилган

CC BY

болаларда учрайди лекин бу кўпроқ эгизакларда учраб туради дейишади ўқитувчи ва ота оналар. Айрим болалар хох бу эгизак бўлсин хох ёлғиз туғилган болалар бўлсин улар яхши ўқишади. Бошқа болаларга эса ўқиш катта қийинчилик билан бўлади, чунки улар қолган мактаб фанларни ҳам ёмон ўзлаштиради. Бундай болаларни ўқишни яхши ўқий олмайди деган атама билан аташ мумкин эмас. Улар ҳамма фанларни кўп ёки кам даражада ўзлаштирган лекин ўқиш бундай зарар кўради. Болани ўқишни яхши ўқий олмаслигини аниқлаш учун аввал ўша болани ўқиш ёки ўқий олмаслигини аниқлаш лозим. Бундай диагностикани педагог ва психолог ёки бошқа мутахасис ўтказиши мумкин. Агар болада диққат бузилиши бўлса, унинг қобилиятини аниқлаш янада қийинлашади, чунки шуни инобатга олиш керакки бирон бир арефметик мисолни ечишда ақлий фаолият керак бўлади. Қобилиятнинг аниқлашнинг шундай услубини топиш керакки унда диққатга боғлиқ бўлган ва бошқа боланинг муаммоси кўринмасин. Масалан гепрактив бола шундай эгизакки улар бирон бир мисолни ўйлаб кўрмай жавоб беради. Диагностика муаммоси бошқа янги саволларни кўтаришади. Мутахасисга болани фақат синфда кузатиш етарли бўлмайди, тез тез уни алоҳида кузатиш керак бўлади. Лекин биз шуни кўрамизки эгизакларнинг бири ёмонроқ ўқийди ўзининг акаси ёки синглисига қараганда буни эса синфдошларига ота онасига тўғри кўрсатишимиз керак. Бола ўзи билмаган ҳолда бир эгизак бошқа эгизакни сен яхши ўқимайсан деб хафа қилиши мумкин. Баъзида муаммо бошқа томондан ҳам кўриниши мумкин. Бизда муаммоси бўмаган эгизак билан қийинчиликлар бўлган. Нимага уни укасини синфдан олиб кетаётганлари, укасига нега бошқача муносабатда бўлишаётганлигини, у нима айб иш қилди нега унга укасига ўхшаб муомила қилмаётганлигидан хафа бўлишади. Кўпгина ота оналар шунга ўхшаш муаммолар юзасидан ҳеч кимга мурожаат қилишмайди ёки алоҳида психологга боришади бироқ бу муаммони мактаб билан ҳал қилиш муҳимроқ. Агар ота оналар бир варақ қилиши керак бўладиган режалар билан келишса буларни аниқ бир синфда бажаришнинг иложи йўқ. Яна психологнинг эгизакларнинг ҳолатини аниқлашда ёрдам бера олишини билиши керак.

Ўқишни ривожлантириш муаммоси эгизакларнинг ўзларига баҳо беришларига таъсир қилади. Бошлангич мактабдаги ўқиш эгизакнинг атрофдагилар билан бир бирлари билан мусобақалашларига туртки бўлади. Бунда улар бир синфда ўқийдими ёкми аҳамияти йўқ. Агар эгизакларнинг бир яхши ўқиса буни ҳамма кўради, ўзи ҳам лекин ўқиш мусобақага асос бўлмаслиги керак. Эгизаклар тушунишлари керак улар ўқишни ўрганар экан янги маълумотлар олиш учун интилишлари керак. Эгизаклар билан ўқилган китобни муҳокама қилиш муҳимдир. Китобдаги муаллифнинг муқовасини, расмларини уларга кейинги бўладиган ходисаларни билишни ривожлантириш керак. Эгизакларга тушуниши мумкин бўладиган саволлар беринг улар китоб маносини тушунишаётганликларини билишлари керак. Китобни ўқимай кўз югуртириб чиқиш уларга кейинроқ ривожланади. Болада яхши ўқиш қобилиятини ривожлантириш қийин иш ҳисобланади. Сизга битта эмас бир неча бўлса бу муаммони қандай ҳал қилиш мумкин. Ўқитувчилар ота оналарга бир нечта маслаҳатлар бериши мумкин лекин бу бир неча бола билан бирданига шуғулланишга имкон бермайди. Ўқишни яхши билмайдиган болалар осон тушкунликка тушишади. Улар ўзларининг ўқиш услубини ва ривожланиш тезликларини баҳолашни ўрганишлари керак. Шундай қилиб эгизаклар мактабдаги ўқишга тайёрлаш учун ота оналар қуйидагиларга эътибор беришлари керак. Амин бўлинки боланинг нутқи яхши ривожланмаган нутқи етарли ривожланса у ўқишни эплай олади. Эгизакларни бирон бир ишни биринчи бўлиб қилмасликка, эгизагига боғланмай ишлашга ўргатиш керак. Бу уларни ўқиш қобилиятини топишга ёрдам беради. Диққатни жамлаш ҳам жуда муҳим лекин афсуски атрофдагилар буни сезишмайди. Эгизакларни китоблар билан таништи-

рниг бу қизиқарли эканини тушунишсин. Агар улар ота онаси китобни завқ билан ўқиётганлигини кўришса муаммонинг ярми ечилган. Албатта ота онага иккита шўх бола дан ташқари яна бир канча фарзандлари бўлса ўқишга вақт бормикан. Ота-она ҳар бир фарзанди билан алоҳида алоҳида шуғулланишлари учун вақт етарлимикин? Албатта ўзбекларда бола тарбияси масаласидаги муаммолар бир томонлама эмас. Ота-оналар фарзандларининг тўнғичига асосий эътиборни бериб кейинги фарзандлари уларни ҳурмат қилишлари ва уларнинг ҳатти-ҳаракатлари асосида тарбияланиб борадилар. Бу оилада туғилиб вояга етаётган эгизакларнинг хулқ атвори турлича бўлсада катталарнинг тарбия масаласидаги асосий эътиборни тўнғич фарзандларига қаратиб кейингилари ундан ўрнак олишига кўмак-лашади. Ўзбек оилаларда тарбияланиб келинаётган эгизакларнинг аксарияти кичик фарзандлар ҳаттоки эгизакларнинг кичиги каттасини ҳурмат қилиши ота-оналар томонидан талаб этилади. Айрим эгизаклар оила даврасида очиқ характерда бўлсаларда мактаб даргоҳида ўзларининг хулқ-атвор-ларини намоён этишда озмунча чўчийдилар. Сабаби оиладаги онанинг ёхуд отанинг фарзандларига бўлган муносабатдадир.

Фойдаланилган адабиетлар

[1] И.В.Бестужев-Лада, *История твоих родителей*, Москва, 2009

[2] Н.М.Зырянова, *Близнецы*, Москва, 2006

[3] Е.А.Сергиенко, Т.Б.Рязанова, Г.А.Виленская, А.В.Дозорцева, *Развитие близнецов и особенности их воспитания*, Москва, Институт психологии РАН, 2000

References

[1] И.В.Бестужев-Лада, *История твоих родителей*, Москва, 2009

[2] Н.М.Зырянова, *Близнецы*, Москва, 2006

[3] Е.А.Сергиенко, Т.Б.Рязанова, Г.А.Виленская, А.В.Дозорцева, *Развитие близнецов и особенности их воспитания*, Москва, Институт психологии РАН, 2000